



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 йил « 30 » декабрь

№ ПҚ–471

### **Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

#### **1. Қуйидагилар:**

2023 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнози 3-иловага мувофиқ;

Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Қуйидаги солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида қуйидаги миқдорларда қолдирилсин:**

жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўлиқ ҳажмда;

фойда солиғи тўлиқ ҳажмда (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолиндиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно);

қўшилган қиймат солиғи бўйича Қорақалпоғистон Республикасида даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмининг 100 фоизи, қолган ҳудудларда эса 60 фоизи (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно).

Бунда солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно) ҳудудлар кесимида инобатга олинади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, 2022 йил IV чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ўтказиш 2023 йил январь ойида амалга оширилади ва 2022 йилги ҳисоботларда акс эттирилади.

### **3. Белгилаб қўйилсинки:**

2023 йилда ижтимоий солиқ тушумлари бўйича 2022 йилда амал қилган тақсимлаш меъёрлари сақлаб қолинади;

2023 йил 1 январдан бошлаб, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси маъмурчилигидаги корхоналарга товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш имкониятини берувчи тартиб татбиқ этилади;

жисмоний шахсларга улар томонидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида амалга оширилган харид суммасининг 1 фоизи миқдоридидаги тўловлар республика бюджети даромадлари қисмида қўшилган қиймат солиғини қайтаришга режалаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.



**4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарорига 6-иловада назарда тутилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкаларини қўллаш тартиби 2024 йил 1 январга қадар узайтирилсин.**

**5. 2023 йил учун қуйидаги солиқ ставкалари:**

а) “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ учун:

рентабеллик даражасидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғи 5-иловага мувофиқ;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ олтин бўйича – 10 фоиз, палладий, кумуш ва мис бўйича – 15 фоиз;

б) “Ўзбекнефтегаз” АЖ учун нефть, табиий газ ва газ конденсати бўйича – 15 фоиз;

в) олтидан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим 1 грамига 1 000 сўм миқдорида тасдиқлансин.

**6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2023 йил 1 апрелга қадар:**

“Ўздаверлойиҳа” илмий-лойиҳа институти, Солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларига эга бўлган барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан деҳқон хўжалиқларига ер солиғини ҳисоблаш учун ушбу ерларнинг норматив қиймати тўғрисидаги маълумотларни етказсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш тартибини кўриб чиқсин ва уни такомиллаштириш бўйича белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**7. Жисмоний шахсларга солиқ юкининг кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида уй-жой фондининг кўчмас мулк объектларига, шунингдек, улар эгаллаб турган ер участкаларига нисбатан қуйидагилар белгилансин:**

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги;

жисмоний шахслардан олинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи суммаси 2022 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозим.

**8.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда барча ҳудудларда биринчи — тўртинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Қарор лойиҳасида ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилсин.

**9.** 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар давлат мактабгача таълим ташкилотларида бола таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларига нисбатан туманларнинг тоифасидан келиб чиқиб, қуйидаги камайтирувчи коэффицентлар қўлланилсин:

5-тоифадаги туманларда – 50 фоиз;

4-тоифадаги туманларда – 50 фоиз;

3-тоифадаги туманларда (шаҳар аҳоли пунктларидан ташқари) – 30 фоиз.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларнинг самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**11.** Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг қўшимча ваколатлари қуйидаги тартибларда амалга оширилсин:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг раҳбарлари ўзларининг ва тасарруфидаги ташкилотларнинг жамланма харажатлар сметаси ва штат жадваллари, харажатлар сметаси ва штат жадваллари, жамланма даромадлар ва харажатлар, даромадлар ва харажатлар сметаларини тасдиқлайди ва рўйхатга олади;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзига ажратиладиган маблағлар доирасида жорий харажатларини қайта тақсимлаш, жумладан тармоқни ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлаш орқали маблағларни мустақил тасарруф этади;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағлар ҳисобидан ушбу дастурларда назарда тутилмаган харажатлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятлар қабул қилинишига йўл қўйилмайди;



биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ташаббуси билан янгидан ишлаб чиқиладиган ривожлантириш дастурлари ва тадбирларни молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағлар тегишли биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларга ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

**12.** Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг раҳбарлари:

Ўз тасарруфидаги тизимда бюджет интизомига амал қилиниши устидан назорат қилиш;

Ўзларининг ва тасарруфидаги ташкилотларнинг жамланма харажатлар сметаси ва штат жадваллари, харажатлар сметаси ва штат жадваллари, жамланма даромадлар ва харажатлар, даромадлар ва харажатлар сметаларининг тўғри тузилиши;

бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва мақсадли индикаторларнинг тўлиқ бажарилиши;

тасарруфидаги тизим ташкилотларига бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тўғри тақсимланиши ва қайта тақсимланиши, жумладан уларнинг харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритилиши;

бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, хусусан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон, коммунал хизматлар ва давлат дастурлари учун белгиланган харажатлар тўлиқ режалаштирилиши ва ўз вақтида тўланиши;

даврий жамланма молиявий ҳисоботлар тўғри шакллантирилиши ва ўз вақтида тақдим этилиши учун шахсан масъул эканликлари белгилансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган тартибларни тегишли ахборот тизимлари орқали амалга ошириш чораларини кўрсин.

Ҳисоб палатаси ва Давлат молиявий назорати инспекцияси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга қўшимча ваколатлар берилиши муносабати билан улар томонидан бюджет интизомига риоя этилиши ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан доимий назоратни кучайтирсин ва 2023 йил I чорак якунлари бўйича жорий этилган янги тартиб натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

**13.** Белгилансинки, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторларнинг бажарилиши:

ҳар чорак якуни бўйича вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан баҳоланади;

ҳисобот йили якуни бўйича Ҳисоб палатаси томонидан аудитдан ўтказилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳар чорак якунида:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторларнинг бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини;

Солиқ қўмитаси ва Божхона қўмитасининг Давлат бюджети даромадлари прогнози тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, қўлланилган солиқ ва божхона имтиёзларининг самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия этилсин.

**14.** Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш орқали уларга ажратилган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

**2023 йил 15 февралга** қадар вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартибини ишлаб чиқсин;

**2023 йил 1 июнга** қадар вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳоласин ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш чораларини кўрсин;

**2023 йил 1 апрелдан** бошлаб вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари ходимларини давлат секторида ички аудит ва ички назорат соҳасида доимий ўқитиб бориш тизимини жорий этсин.

**15.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

келгусида маҳаллий бюджетларга ажратиладиган бюджет ссудаларини белгиланган муддатда қайтариш юзасидан шахсий жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин;

биринчи навбатда мазкур қарорнинг 2-банди еттинчи хатбошисида назарда тутилган республика бюджетидан ўтказиб бериладиган маблағлар ҳисобидан маҳаллий бюджетларга ажратилган мақсадли бюджет ссудаларини қоплаш чораларини кўрсин.



**16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:**

2023 йил 1 январдан бошлаб солиқлар, мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушган маблағларнинг ҳамда мазкур жамғармаларнинг бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган даромадларнинг 20 фоизи ҳар ой якунлари бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади;

Давлат бюджети тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси республика бюджети тақчиллик билан тасдиқланган даврда бюджет ссудалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига фақатгина йил якунига қадар қайтариш шarti билан вақтинчалик юзага келган касса узилишини қоплаш учун ажратилади.

**17.** Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек, 2022 йилни сифатли якунлаш ҳамда 2023 йилни муваффақиятли бошлаш бўйича чора-тадбирлар режаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**18.** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

2023 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сон Фармониغا асосан “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 8-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**20.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 9-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**21.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**22.** Мазкур қарор 2023 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри



**2023 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари**

млн сўм

T/p	Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари ва унинг таркибидаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари номи*	Сумма
<b>1.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги</b>	<b>3 713 586,9</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
1.1.	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати	295 115,1
<b>2.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги</b>	<b>1 218 692,4</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
2.1.	Ўзбекистон футбол федерацияси	5 064,5
2.2.	Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси	220 000,0
2.3.	Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси	34 620,0
<b>3.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги</b>	<b>363 353,9</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
3.1.	Маданий мерос агентлиги	203 575,8
<b>4.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги</b>	<b>931 153,1</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
4.1.	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	73 426,8
<b>5.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси</b>	<b>1 522 703,0</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
5.1.	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги	131 754,4
<b>6.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</b>	<b>1 948 979,0</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
6.1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ўстидан назорат қилиш инспекцияси	7 052,8
6.2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази	20 048,5
6.3.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси	2 948,1
6.4.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита	133 191,8
6.5.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси	7 398,2
6.6.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи	3 694,9

Т/р	Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари ва унинг таркибидаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари номи*	Сумма
6.7.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	14 470,4
6.8.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги	3 898,8
6.9.	«Нурлы жол» ва «Овози тожик» газеталари таҳририятлари	4 169,5
6.10.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси маркази	16 398,5
6.11.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази	11 700,8
6.12.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази	10 602,6
6.13.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси	5 000,0
6.14.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги	63 998,6
6.15.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази	2 759,8
6.16.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги	25 757,1
6.17.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси	5 432,8
<b>7.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси</b>	<b>1 199 844,5</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
7.1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси	28 311,3
7.2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исломи Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси	12 490,5
7.3.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти	28 351,2
7.4.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги	179 787,0
7.5.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази	20 728,7
7.6.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси	131 399,5
<b>8</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси</b>	<b>394 533,0</b>
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
8.1.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди	226 490,0
8.2.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти	11 887,0
<b>9.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси</b>	<b>1 504 225,7</b>



Т/р	Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари ва унинг таркибидаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари номи*	Сумма
	<i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>	
9.1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси	446 398,6
	<i>шундан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар</i>	25 000,0
9.2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти	198 408,6

\*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сон Фармониغا асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 30 декабрдаги ПҚ–471-сон қарорига  
2-илова

**2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети,  
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри  
маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган  
энг кам миқдорлари**

млн сўм

<b>Бюджетлар номи</b>	<b>Айланма касса маблағлари</b>
Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети	1 000 000,0
Қорақалпоғистон Республикаси бюджети	28 200,0
Андижон вилоятининг маҳаллий бюджети	21 714,0
Бухоро вилоятининг маҳаллий бюджети	24 828,0
Жиззах вилоятининг маҳаллий бюджети	13 157,0
Қашқадарё вилоятининг маҳаллий бюджети	22 709,0
Навоий вилоятининг маҳаллий бюджети	12 100,0
Наманган вилоятининг маҳаллий бюджети	19 524,0
Самарқанд вилоятининг маҳаллий бюджети	36 279,0
Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджети	17 260,0
Сирдарё вилоятининг маҳаллий бюджети	12 078,0
Тошкент вилоятининг маҳаллий бюджети	32 417,0
Фарғона вилоятининг маҳаллий бюджети	26 900,0
Хоразм вилоятининг маҳаллий бюджети	17 747,0
Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджети	34 324,0



**2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнози**

млрд сўм

<b>Т/р</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сумма</b>
	<b>Жами - даромадлар</b>	<b>232 607,1</b>
<b>1</b>	<b>Бевосита солиқлар</b>	<b>73 955,9</b>
1.1	Фойда солиғи	42 848,3
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>«Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти</i>	11 252,6
	<i>«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти</i>	5 265,5
1.2	Айланмадан олинадиган солиқ	2 811,7
1.3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	28 295,8
<b>2</b>	<b>Билвосита солиқлар</b>	<b>88 411,3</b>
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	63 775,4
2.2	Акциз солиғи	17 883,9
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво</i>	2 339,0
	<i>тамаки маҳсулотлари</i>	2 439,4
	<i>мобил алоқа хизмати учун акциз солиғи</i>	1 003,3
2.3	Божхона божи	6 752,0
<b>3</b>	<b>Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи</b>	<b>26 473,2</b>
3.1	Мол-мулк солиғи	4 332,6
3.2	Ер солиғи	5 805,5
3.3	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15 535,6
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>норуда қурилиш материаллари бўйича</i>	755,5
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	799,5
<b>4</b>	<b>Дивидендлар</b>	<b>29 532,2</b>
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>«Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти</i>	16 050,4
	<i>«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти</i>	9 481,7
<b>5</b>	<b>Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар</b>	<b>14 234,6</b>

**Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган  
йирик солиқ тўловчилар рўйхати**

<b>Т/р</b>	<b>Солиқ тўловчиларнинг номи</b>	<b>Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)</b>
1	«Andijon gidroelektrstansiya» УК	200248365
2	«Angren issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200595949
3	«Asia Trans Gas» МЧЖ	206948470
4	«Baraka holding» МЧЖ	305162024
5	«Bekobodsement» АЖ	200459808
6	«Buxoro neftni qayta ishlash zavodi» МЧЖ	202080378
7	«Chirchiq gidroelektrstansiyalar kaskadi» УК	200942018
8	«Chirchiq transformator zavodi» АЖ	200941525
9	«Coca-cola ichimligi Uzbekiston, Ltd» МЧЖ	200798458
10	«Coscom» МЧЖ	201788904
11	«Epsilon development company» МЧЖ	305922787
12	«Farg'ona issiqlik elektr markazi» АЖ	200202146
13	«Farg'ona neftni qayta ishlash zavodi» МЧЖ	200202099
14	«Farg'onaazot» АЖ	200202240
15	«Farhod GES» УК	202256591
16	«Gissarneftgaz» МЧЖ	205678302
17	«Hisorak gidroelektrstansiya» УК	206976058
18	«International beverages Tashkent» МЧЖ	301975029
19	«Islom Karimov nomidagi Toshkent xalqaro aeroporti» МЧЖ	200640719
20	«Issiqlik elektr stansiyalari» АЖ	306349304
21	«JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ	301305243
22	«Ketring» МЧЖ	201676062
23	«Ko'kdumaloqgaz» МЧЖ	205222807
24	«Maxam-Chirchiq» АЖ	200941518
25	«Jarkurgonneftqaytaishlash» МЧЖ	204917978
26	«Muborak issiqlik elektr markazi» АЖ	200698044
27	«Natural gas-stream» МЧЖ	207245357
28	«Navoiy issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200850647
29	«Navoiy kon-metallurgiya kombinati» АЖ	308425864
30	«Navoiyuran» ДК	201204514



<b>T/p</b>	<b>Солиқ тўловчиларнинг номи</b>	<b>Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)</b>
31	«Navoiy xalqaro aeroporti» МЧЖ	200003243
32	«Navoiyazot» АЖ	200002933
33	«O'ztemiryo'lkonteyner» АЖ	203607858
34	«Ohangaronsement» АЖ	200463344
35	«Olmaliq kon-metallurgiya kombinati» АЖ	202328794
36	«O'zaeronavigatsiya» markazi» ДУК	201052000
37	«O'zavtosanoat» АЖ	201053918
38	«Katta Farg'ona kanalidagi kichik gidroelektrostansiyalar kaskadi» УК	305909492
39	«O'rta Chirchiq gidroelektrostansiyalari kaskadi» УК	200439436
40	«Ohangaron gidroelektrostansiya» УК	301266689
41	«Tuyamo'yin gidroelektrostansiyasi» УК	200209151
42	«Qodiriya gidroelektrostansiyalar kaskadi» УК	200605332
43	«O'zbekgidroenergo» АЖ	304952767
44	«O'zbekiston metallurgiya kombinati» АЖ	200460222
45	«O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» АЖ	306347741
46	«O'zbekiston Respublika tovar-xom ashyo birjasi» АЖ	200933985
47	«O'zbekiston temir yo'llari» АЖ	201051951
48	«O'zbekneftgaz» АЖ	200837914
49	«O'zbektelekom» АЖ	203366731
50	«O'zelektroapparat-Electroshield» АЖ	201052167
51	«O'ztransgaz» АЖ	200626188
52	«Qizilqumsement» АЖ	200002878
53	«Quvasoysement» АЖ	200124805
54	«Quy-Bo'zsuv gidroelektrostansiyalar kaskadi» УК	200588275
55	«Rubicon wireless communication» МЧЖ	201501439
56	«Samarqand avtomobil zavodi» МЧЖ ҚК	202137344
57	«Samarqand gidroelektrostansiyalar kaskadi» УК	205240509
58	«Samarqand xalqaro aeroporti» МЧЖ	200791776
59	«Sho'rtan gaz-kimyo majmuasi» МЧЖ	203195074
60	«Sirdaryo issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	201169179
61	«Taxiyatosh issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200366401
62	«Tolimarjon issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	201284979
63	«Tashkent tobacco» МЧЖ	205442074
64	«To'palang gidroelektrostantsiyasi» УК	206695638
65	«To'raqo'rg'on issiqlik elektr stansiyasi qurish direksiyasi» УК	302586084
66	«Toshkent gidroelektrostansiyalari kaskadi» УК	200796373

<b>Т/р</b>	<b>Солиқ тўловчиларнинг номи</b>	<b>Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)</b>
67	«Toshkent issiqlik elektr stansiyasi» УК	200605388
68	«Toshkent issiqlik elektr markazi» УК	200624673
69	«Toshkentvino kombinati» АЖ	200547634
70	«Unitel» МЧЖ	201838002
71	«Universal mobile systems» МЧЖ	303020732
72	«Uzauto motors» АЖ	200244767
73	«Uzauto trailer» МЧЖ	302320834
74	«Uzbat» АЖ	200987017
75	«Uzbekistan airways» АЖ	306628114
76	«Uzbekistan airways technics» МЧЖ	200640797
77	«Uzbekistan GTL» МЧЖ	207041936
78	«VL Galperin nomidagi Toshkent қувур zavodi» МЧЖ	200897524
79	«Yangi Angren issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200595838
80	«Sanoat energetika guruhi» МЧЖ ХК	304936120
81	«Hududgazta'minot» АЖ	306605769
82	«Uzgastrade» МЧЖ	309702449
83	«Uzbekistan airports» АЖ	306646884
84	«O'ztransgaz» АЖ «Urganchtransgaz» УК	200407848
85	«Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ	306350099
	31 та тижорат банклари	

*\*Изоҳ: рўйхатда қайд этилган корхоналар бошқа корхоналар таркибига кирганда ва бошқа корхона билан бирлашганда ёки қайта ташкил этилган ҳолатларда ушбу рўйхатга тўғридан-тўғри киритилади.*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 30 декабрдаги ПҚ–471-сон қарорига  
5-илова

**"Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ учун  
фойда солиғи ставкалари**

Т/р	Солиқ солиш объекти	Солиқ ставкаси, фоизда
1	Солиқ солиш базасининг, товар (хизмат) реализация қилишдан тушган тушумнинг 15 фоизига тенг миқдордаги қисмига	15
2	Солиқ солиш базасининг қолган қисмига	50

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларнинг  
самарадорлигини ошириш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
1.	Бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини янада ошириш мақсадида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш тартиби бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2023 йил 1 март	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
2.	Маҳаллий бюджетлар қўшимча манбалари ҳисобидан маълум бир соҳалар ва тадбирларга аниқ фоизларда маблағ ажратиш амалиёти бекор қилиниши муносабати билан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив- ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил 1 апрель	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	“Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш” (nodavlat-bogcha.uz) ахборот тизимини такомиллаштириш ва давлат мактабгача таълим ташкилотларига жорий этиш орқали давлат мактабгача таълим ташкилотларида биометрик идентификация қилиш технологиясини қўллаган ҳолда ходимлар ва тарбияланувчиларининг давоматини юритиш, ахборот тизимида шакланган маълумотлар асосида ходимлар иш ҳақи, озиқ-овқат харажатлари, бола таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорлари ва бошқа тўловларнинг автоматлаштирилган тарзда ҳисобланишини йўлга қўйиш.	Чора-тадбирлар  Вазирлар Маҳкамаси қарори	2023 йил 10 январь  2023 йил 10 сентябрь	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги



Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
4.	Бюджет ташкилотларининг штатлар жадвали, тарификация рўйхатлари ҳамда харажатлар сметасини шакллантириш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ушбу жараёнларнинг ҳар бир босқичида масъул ходимларга тегишли вазифалар белгиланишини назарда tutuvchi йўриқномани ишлаб чиқиб, давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш ҳамда ушбу тартиблар асосида тегишли ахборот тизимларини такомиллаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил 1 март	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги
5.	Ичимлик ва оқава сув таъминоти корхоналарининг мулки ва объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда фойдаланишда бўлмаган ва бўш турганларини белгиланган тартибда сотиш ҳамда сотишдан келиб тушган маблағларни кредитор қарздорликларни сўндиришга йўналтириш.	Чора-тадбирлар режаси	2023 йил 1 июнь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсўвтаъминот” АЖ, Давлат активларини бошқариш агентлиги
6.	Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидияларни “Agro-subsidiya” ЯАТ – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига субсидия ажратиш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишишнинг ягона ахборот тизими билан интеграция қилган ҳолда тўлашни жорий қилиш. Шунингдек, чорвачилик тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари	2023 йил 1 март	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
7.	Хорижий давлатлар тажрибасини жойига чиқиб ўрганган ҳолда ичимлик ва оқава сув таъминоти хизматлари бўйича тариф сиёсатини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил 1 май	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсўвтаъминоти” АЖ, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
				Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
8.	<p>Қуйидагиларни назарда тутувчи Республикада сув балансини юритиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш:</p> <p>сув ҳавзаларида мавжуд сув миқдори, сув ҳавзаларига кириши ва чиқиши кутилаётган сув миқдори, шунингдек, ёғингарчилик кўп бўлган йилларда келгуси йилларда фойдаланиш учун сув захирасини яратиш;</p> <p>мавжуд сув ресурслари ва кутилаётган серсувлик даражасидан келиб чиқиб экинларни жойлаштириш;</p> <p>сув етказиб бериш объектларига (насос станцияси, канал, сув омбори ва ҳоказо) бириктирилган экин майдони ва унга етказиб берилган/бериладиган сув миқдори;</p> <p>етказиб берилган сув ва уни етказиб бериш учун сарфланган электр энергияси миқдорини ўзаро боғлаш;</p> <p>сув ва электр энергияси ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уни бошқариш учун масъуллар ва уларнинг вазифаларини белгилаш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2023 йил 1 май	Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Статистика агентлиги, Гидрометеорология хизмати агентлиги, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
9.	<p>Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Маданият ва туризм вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасаларда иш ҳақиға қўшимча ва устама тўловларнинг ҳисобланишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш ҳамда уларни ягона тартибга бирлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2023 йил 1 апрель	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
10.	<p>Хоразм вилоятида ўтказилган тажрибадан келиб чиқиб, айрим солиқ ҳисоботларини солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқариш ва шакллантириш имкониятини кенгайтириш.</p>	Ахборот хати	2023 йил 15 январь	Солиқ қўмитаси



Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
	Солиқ тўловчилар таклифларини инобатга олган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2023 йил 1 апрель	
11.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини янада ошириш мақсадида ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджет маблағларининг самарали ва мақсадли сарфланганлиги, харажатларнинг амалий натижалари юзасидан йиллик фаолияти тўғрисида маҳаллий Кенгашларга ҳисобот беришни тўлиқ жорий этиш.	Режа-график	Ҳар йили 15 январь	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги
12.	Ҳисоб палатасининг “Давлат аудити” дастурий комплексида бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳолатлари бўйича молиявий ҳуқуқбузарликлар турлари таснифи кесимида электрон ҳисобот ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳисоби юритилишини жорий этиш ҳамда уни такомиллаштириб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил 1 февраль	Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
13.	Бюджетнинг бирламчи харажатларини қоплаш учун Ягона ғазна ҳисобварағида сақланиши лозим бўлган маблағларнинг энг кам миқдорини аниқлаш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2023 йил 1 июнь	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
14.	Сув хўжалиги тизимига қарашли насос станциялари ҳудудида электр энергиясини ҳисобга олиш ускунаси ўрнатилганлигини таҳлил қилиб, ҳисобга олиш ускуналари тўлиқ ўрнатилишини таъминлаш.	Чора-тадбирлар	2023 йил 1 май	Сув хўжалиги вазирлиги
15.	Бюджет маблағлари ҳисобидан қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) салбий фарқини асоссиз қайтариш хавфининг олдини олиш, товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган ҚҚС суммаларини ўзаро ҳисобга олиш имкониятини берувчи янги жорий этилаётган институт натижалари ҳамда ҚҚС қоплашда қўшилган қиймат солиғи тўлови занжири узилиши коэффициентини қўллаш амалиёти бўйича халқаро аудиторлик ташкилотлари хулосалари асосида ҚҚС маъмурчилигини янада соддалаштириш ва бюджетга ундирилган суммалар ҳисобини юритишни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритиш.	Ахборот хати	2023 йил 1 май	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Ижро мuddатлари	Масъул ижрочилар
16.	<p>Қишлоқ хўжалиги экинларини туманбай жойлаштириш методикаси ва тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>Бунда, экинларни жойлаштириш Адлия вазирлигининг “Е-қарор” АТТ ва ер участкаларининг кадастр рақамларига ўзаро боғланган ҳолда интеграцияланган тарзда амалга оширилиши инобатга олинади.</p>	Норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил 1 апрель	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, “Ўздаверлойиҳа” илмий-лойиҳа институти, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги, Статистика агентлиги
17.	<p>Масофавий (камерал) назоратни такомиллаштириш орқали бюджет ташкилотларида назорат тадбирлари самарадорлигини ошириш.</p> <p>Бунда, Навоий, Наманган ва Хоразм вилоятлари мисолида маҳаллий бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши юзасидан ўрганишни давом эттириш.</p>	Йиллик иш режа	2023 йил давомида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат молиявий назоратии инспекцияси
18.	<p>Мавзули назорат тадбирларини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларида ўрганиш қамровини кенгайтириш, бунда, биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситаларига эътибор қаратиш.</p>	Йиллик иш режа	2023 йил давомида	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат молиявий назорати инспекцияси
19.	<p>Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2023—2025 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларини ишлаб чиқиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил 1 апрель	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар



**Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек,  
2022 йилни сифатли якунлаш ҳамда 2023 йилни муваффақиятли бошлаш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
1.	Вазирлик ва идоралар томонидан вақтинчалик харажатлар сметаларини белгиланган тартибда тузиш ва тақдим этиш.	Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан уларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида вақтинчалик харажатлар сметаларини тузиш ва тақдим этиш.	2023 йил 5 январь	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилдиган ташкилотлар
2.	2023 йил учун тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети параметрлари доирасида харажатлар сметаларини тузиш ва тақдим этиш.	Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан 2023 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилдиган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида харажатлар сметасини тузиш ва тақдим.	2023 йил 15 январь	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилдиган ташкилотлар
3.	Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларига мувофиқ 2023 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун тасдиқланган чекланган миқдорларни қайтадан кўриб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш.	1. Қайтадан ташкил қилинаётган вазирлик ва идоралар бўйича қабул қилинган тегишли қарорлар асосида тегишли ҳисоб-китобларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш. 2. Қайтадан ташкил қилинаётган вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган ҳисоб-китоблар асосида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун тасдиқланган чекланган миқдорларни қайта тақсимлаш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2023 йил 1 март  2023 йил 10 март	Манфаатдор вазирлик ва идоралар  Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
4.	Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунни қайта кўриб чиқиш.	“2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2023 йил 1 апрель	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Ҳисоб палатаси
5.	Қайта ташкил этилган республика ижро этувчи ҳокимият органлари харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказиш.	1. Қайта ташкил этилган республика ижро этувчи ҳокимият органлари тизимидаги ташкилотлар харажатлар сметаси тузилишини, тасдиқланишини таъминлаш. 2. Қайта ташкил этилган республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан жамланма харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш. 3. Қайта тузилган жамланма харажатлар сметасини харажатлар гуруҳи кесимида рўйхатдан ўтказиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш.	2023 йил 1 май	Манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш юзасидан тегишли қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш.	1. Тегишли қонунчилик ҳужжатларини хатловдан ўтказиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш. 3. Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш	2023 йил 10 январь  2023 йил 1 февраль  2023 йил 1 март	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
7.	Қайта ташкил этилаётган республика ижро этувчи ҳокимият органлари иш фаолияти узлуксизлигини таъминлаш.	1. Вазирлик ва идораларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, уларни сақлаш харажатларини ушбу вазирлик ва идоралар учун амалдаги шахсий ғазна ҳисобварақларидан амалга ошириш. 2. Мавжуд дебитор ва кредиторлик қарздорликларни қоплаш.	Янги шахсий ғазна ҳисобварағи очилгунга қадар	Манфаатдор вазирлик ва идоралар



Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
8.	2022 йил ва 2023 йил 1-чорак учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш.	1. Қайта ташкил этилган республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағларга масъул этиб белгиланган вазирлик ва идоралар бўйича қонунчиликка мувофиқ: 2022 йил учун йиллик молиявий ҳисоботларни; 2023 йил 1-чорак учун ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш.	Қонунчиликда белгиланган муддатларда	Барча вазирлик ва идоралар
9.	Давлат бюджети параметрлари тасдиқлангандан сўнг вазирлик ва идораларнинг харажатлар сметасини рўйхатга олишда маблағларнинг харажатлар иқтисодий таснифининг моддалари бўйича эмас, фақат харажат гуруҳлари бўйича ажратилишини таъминлаш.	1. Техник талаб ишлаб чиқиш. 2. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимларига (“ДМБАТ” ва “ЎзАсбо” ДТ) тегишли ўзгартириш киритиш. 3. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида вазирлик ва идораларга тегишли ваколатлар бериш.	2023 йил январь 2023 йил 1 март 2023 йил 15 март	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 30 декабрдаги ПҚ–471-сон қарорига  
8-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатида:

а) 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимидаги ташкилотлар ҳамда ботаника боғлари томонидан етиштирилган кўчат ва ниҳоллар, шунингдек, уларни парвариш қилиш бўйича хизматлар”;

б) қуйидаги мазмундаги 45-банд билан тўлдирилсин:

“45. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди”.

2-банд берилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4755-сон қарори 1-банди “в” кичик бандининг бешинчи ва олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ва халқаро ташкилотларга аъзоликдан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4756-сон қарорида:

а) 1-иловада:

13-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

13.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Суғурта назоратчилари халқаро уюшмаси
		Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти



		Шаффофлик ва солиқ мақсадларида ахборот алмашинуви бўйича глобал форум
--	--	--

”;

қуйидаги мазмундаги 39<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

39 <sup>1</sup>	Ҳисоб палатаси	Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (INTOSAI)
		Осиё олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ASOSAI)

”;

б) 2-иловада:

4-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятлардан келиб чиқадиган бадаллар ҳисобини юритиш ҳамда мониторинг қилиб бориш Молия вазирлигининг ахборот тизимида (кейинги ўринларда – ахборот тизими) амалга оширилади”;

6-банд “Молия вазирлигига тақдим этади” сўзларидан кейин “ҳамда ахборот тизимига киритади” сўзлари билан тўлдирилсин;

9-банд “хабарномаларига мувофиқ тўланади” сўзларидан кейин “ҳамда тўланган маблағлар тўғрисидаги маълумот ва тўловни тасдиқловчи ҳужжатлар ахборот тизимига 3 (уч) иш куни ичида киритилади” сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 12<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“12<sup>1</sup>. Бадаллар тўловчилар тегишли тўловлар амалга оширилгандан сўнг 1 (бир) ой муддатда тўловлар халқаро ташкилот томонидан қабул қилинганлиги тасдиғини олиш чораларини кўради ва олинган тасдиқ хабарномаларини 3 (уч) иш куни ичида ахборот тизимига юклайди”;

қуйидаги мазмундаги 13<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“13<sup>1</sup>. Бадаллар тўловчилар тегишли тўловлар амалга оширилгандан сўнг 1 (бир) ой муддат ичида тўловлар халқаро ташкилот томонидан қабул қилинганлиги тасдиғини олиш чораларини кўради ва олинган тасдиқ хабарномаларини 3 (уч) иш куни ичида ахборот тизимига юклайди”;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Марказий банки ахборот тизимдаги маълумотлар асосида халқаро шартномалар ва ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятлардан келиб чиқадиган бадаллар тўланишини доимий мониторинг қилиб боради”;

қуйидаги мазмундаги 21<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“21<sup>1</sup>. Аъзолик бадали тўловлари бўйича қарздорлик мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу қарздорлик юзасидан маълумотлар ва тасдиқловчи ҳужжатлар улар олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида бадал тўловчилар томонидан ахборот тизимига юкланиши лозим”;

қуйидаги мазмундаги 22<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“22<sup>1</sup>. Рўйхатда кўрсатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ахборот тизимига барча маълумотларнинг ўз вақтида киритилиши ва доимий янгилаб борилиши учун масъул ҳисобланади”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги ПҚ–4881-сон қарори билан тасдиқланган Кураш миллий спорт турини 2025 йилгача янги босқичга олиб чиқиш концепциясини 2020–2021 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 43-позициясининг “Молиялаштириш манбалари” устунисидаги “Давлат бюджети маблағлари,” сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4888-сон қарори 7-бандининг иккинчи хатбошисидаги “35” рақами “12,5” рақами билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Қоракўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4984-сон қарори 3-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини янада ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4986-сон қарорининг 10-бандидаги “2023” рақами “2025” рақами билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5017-сон қарорининг 3-бандида:

а) “а” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “2022” рақами “2023” рақами билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “4 000 сўм” ва “400 сўм” сўзлари тегишинча “2 000 сўм” ва “200 сўм” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “2 500” рақами “1 250” рақами билан алмаштирилсин;



б) “б” кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) 2024 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган балиқчилик хўжаликларига — интенсив усулда етиштирилган совуқ сув балиқлари (лосос, форель ва осётр)нинг ҳар бир килограмми учун 1 500 сўм, қолган турдаги балиқлар учун 500 сўм миқдорида республика бюджетидан субсидия ажратилади”.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПҚ–5047-сон қарори билан тасдиқланган Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади”.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5144-сон қарори 5-бандининг еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 октябрдаги “Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5270-сон қарорига 2-илованинг 13-позицияси чиқариб ташлансин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ–5280-сон қарорига 3-илованинг 1-позицияси чиқариб ташлансин.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–52-сон қарорининг 6-бандида:

а) биринчи хатбошидаги “Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев),” сўзлари “Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбошидаги “2022” рақами “2024” рақами билан алмаштирилсин.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–73-сон қарорида:

а) 11-бандда:

биринчи хатбошидаги “2023” рақами “2026” рақами алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “2022” рақами “2025” рақами алмаштирилсин;

б) 8-илованинг 22-позицияси “Ижро муддатлари” устундаги “2022” рақами “2024” рақами билан алмаштирилсин.

**16.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 январдаги “Франция тараққиёт агентлиги иштирокида “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–84-сон қарори 2-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда амалга оширилади”.

**17.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–104-сон қарорида:

а) 6-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тегишли маҳаллий ҳокимликларга Давлат бюджети ҳисобидан эҳтиёжга қараб ҳамда маҳаллий бюджетлар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда 2023 йилда молия йили давомида қайтариш шарти билан 200 миллиард сўмгача бюджет ссудасини ажратсин”;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 10-илова 40-позициясининг “Тадбирлар номланиши” устундаги биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ҳудудларнинг мастер режаларини ишлаб чиқиш ва ер участкаларини зарур инфратузилма билан таъминлаш ишларини молиялаштириш учун тегишли маҳаллий ҳокимликларга Давлат бюджети ҳисобидан эҳтиёжга қараб ҳамда 2023 йилда молия йили давомида қайтариш шарти билан 200 миллиард сўмгача бюджет ссудасини ажратиш”.

**18.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари



фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–128-сон қарори 13-бандининг олтинчи хатбошисидаги “2023 йил 1 сентябрдан” сўзлари “2024 йил 1 январдан” сўзлари билан алмаштирилсин.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–139-сон қарорининг 5-бандида:

а) биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ билан биргаликда”;

б) иккинчи хатбошидаги “2022” рақами “2023” рақами билан алмаштирилсин.

**20.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–168-сон қарори 7-бандининг учинчи хатбошисидаги “2022” рақами “2023” рақами билан алмаштирилсин.

**21.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартдаги “Жаҳон банки иштирокидаги “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–178-сон қарорида:

а) 1-илова қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 24 мартдаги ПҚ–178-сон қарорига  
1-илова

**Жаҳон банки иштирокидаги  
“Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш”  
лоyiҳасининг асосий техник-иқтисодий  
ПАРАМЕТРЛАРИ**

*минг АҚШ доллари*

Т/р	Компонент номи	Жами*	Молиялаштиришнинг тахминий ҳисоби	
			Кредит	Давлат бюджети маблағлари
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати	72 000	60 000	12 000
2.	Инвестициялар миқдори, жами	60 000	60 000	
	1-компонент. Солиқ маъмуриятчилигининг асосий бизнес жараёнларини автоматлаштириш	48 700	48 700	

2.1.	1.1-субкомпонент — солиқ органларининг янги интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш	300	300	
2.2.	1.2-субкомпонент — техник инфратузилмани янгилаш (Маълумотларни қайта ишлаш маркази)	43 500	43 500	
2.3.	1.3-субкомпонент — ахборот-коммуникация технологияларини бошқариш ва режалаштириш соҳасида салоҳиятни ошириш	100	100	
2.4.	1.4-субкомпонент — табиий офатлар хавфини бошқариш ва фаолиятнинг узлуксизлигини таъминлаш	4 800	4 800	
	2-компонент. Яширин иқтисодиёт ҳажмини камайтириш учун солиқ тўсиқларини бартараф этиш	6 000	6 000	
2.5.	2.1-субкомпонент — солиқ талабларини таъминлаш соҳасида Давлат солиқ қўмитасининг салоҳиятини ошириш	2 000	2 000	
2.6.	2.2-субкомпонент — талабларга ихтиёрий риоя қилишни рағбатлантириш	3 000	3 000	
2.7.	2.3-субкомпонент — хусусий сектор билан конструктив ҳамкорликни ривожлантириш	1 000	1 000	
	3-компонент. Кадрлар ва институционал салоҳиятни ошириш	3 300	3 300	
2.8.	3.1-субкомпонент — ходимларни янада самарали бошқариш учун Давлат солиқ қўмитасининг институционал салоҳиятини ошириш	1 700	1 700	
2.9.	3.2-субкомпонент — давлат солиқ хизмати органларининг стратегик мақсадларга эришишини қўллаб-қувватлаш учун ташкилий функциялар яратиш	800	800	
2.10	3.3-субкомпонент — давлат солиқ хизмати органлари ходимларини касбий ривожлантириш	800	800	
	4-компонент. Нотехник компонент — лойиҳа бошқарувини қўллаб-қувватлаш	2 000	2 000	
3.	Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона тўловларига қўшган ҳиссаси	12 000		12 000
4.	Лойиҳани амалга ошириш даври	2022 — 2027 йиллар		
5.	Кредитни қайтариш муддати	30 йил		
	шу жумладан, асосий қарзнинг имтиёзли даври	5 йил		

Изоҳ. Якуний қиймат кўрсаткичлари батафсил лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиши, товарларни етказиб бериш бўйича тендерлар ва хизматларни бажариш натижалари бўйича аниқланади.

Давлат солиқ қўмитасига Лойиҳа доирасида ажратилиб, иқтисод қилинган маблағларни молиялаштиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Жаҳон банки билан келишилган ҳолда қайта тақсимлаш ваколоти берилади”;

б) 3-илованинг 13-позицияси чиқариб ташлансин.

**22.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги “Республикада гўшт, жун ва сут йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган



қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–224-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбошисидаги “200 миллиард сўм” сўзлари “30 миллиард сўм” сўзлари билан алмаштирилсин.

**23.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–232-сон қарорида:

а) 5-банднинг биринчи хатбошисидаги “30 миллиард сўм, жумладан унинг биринчи босқичини молиялаштириш учун бир ҳафта муддатда” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 20-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 1-илованинг 15-позицияси “Чора-тадбирлар” устунининг иккинчи хатбошисидаги “10 миллиард сўм” сўзлари “5 миллиард сўм” сўзлари билан алмаштирилсин.

**24.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 майдаги “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–262-сон қарори қуйидаги мазмундаги 4<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“4<sup>1</sup>. Жамғарма 2022 йил 1 июндан бошлаб тўлақонли қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида эътироф этилсин”.

**25.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги ПҚ–295-сон қарори билан тасдиқланган Мис ва ноёб металлларни қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган “Ohangaron Tech Industrial” технопарки фаолиятини ташкил этиш бўйича “йўл харитаси”нинг 11-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

11.	Технопарк ҳудудида темир йўл тармоғини қуриш.	1. Технопарк ҳудудига темир йўл тармоғи тортиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	2022 йил октябрь	Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А. Раматов	Транспорт вазирлиги (И. Маҳкамов), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Х. Хасилов)
		2. Технопарк ҳудудида темир йўл тармоғини қуриш ва фойдаланишга топшириш.	2023 йил март		Транспорт вазирлиги (И. Маҳкамов), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Х. Хасилов)

”

**26.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги “Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–308-сон қарорининг 6-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2023 йилдан бошлаб Пахтачилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ харажатларни Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги орқали молиялаштириш тартиби жорий этилсин”;

б) иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда, мазкур бандда назарда тутилган маблағлар Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзолари ҳамда 13 та туманлар ишчи гуруҳлари аъзоларига иш ҳақи тўлаш, Пахтачилик кенгашига маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, 13 та туманларга янги илмий ишланмалар ва инновацион технологияларни (шу жумладан, дронлар ва рақамли технологиялар асосидаги) жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплашга йўналтирилади”.

**27.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июлдаги “Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил этишни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–335-сон қарорида:

а) 1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Молия вазирлиги 2022 йил давомида қишлоқ хўжалиги техникаларини кредит ёки лизинг шартлари асосида харид қилиш учун тижорат банкларининг сўровномаларига асосан 10 йил муддатга 7 фоиз ставкада 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача миллий валютадаги маблағларни депозитга жойлаштирсин. Бунда”;

б) 2-илованинг 1-позициясида:

“Чора-тадбирнинг номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2022 йилда қишлоқ хўжалиги техникаларини кредит ёки лизинг шартлари асосида харид қилиш учун Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларининг сўровномаларига асосан 10 йил муддатга 7 фоиз ставкада 100 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоригача миллий валютадаги маблағларни депозитга жойлаштириш”;



“Ижро муддати” устунининг биринчи хатбошисидаги “икки ҳафта муддатда” сўзлари “2022 йил давомида” сўзлари билан алмаштирилсин.

**28.** Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 414-сон қарори 4-бандининг биринчи хатбошисидаги “2023” рақами “2024” рақами билан алмаштирилсин.

**29.** Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Ушбу Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган тартибда бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини сотишдан тушган маблағлар бюджет ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилигининг тегишли бўлинмаларида очилган бюджетдан ташқари шахсий фазна ҳисобварақларида жамланади. Кўрсатиб ўтилган маблағлар “E-auksion” электрон савдо платформаси томонидан автоматик тарзда қуйидаги тартибда тақсимланади”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“50 фоизи — бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари шахсий фазна ҳисобварақларига йўналтирилади.

Бюджет ташкилотлари томонидан асосий воситалар “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали аукцион савдоларида сотилган тақдирда уларни баҳолаш ва сотиш харажатлари бюджет ташкилотлари томонидан тўланади”;

б) 9-банддаги “ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган” сўзлари “ташкилотларига йўналтириладиган” сўзлари билан алмаштирилсин.

**30.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг ўн биринчи хатбошисидаги “юримдик шахс” сўзлари “юримдик ёки жисмоний шахслар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) II бўлим 5-параграфнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5-§. Балиқчилик ҳовузлири, иморатлар, иншоотлар ва хонадонлар билан банд бўлган ерларнинг, шунингдек жисмоний шахсларга қишлоқ

хўжалиги мақсадларида ва деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш”;

в) қўйидаги мазмундаги 34<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“34<sup>1</sup>. Жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги ва деҳқон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерларнинг норматив қиймати мос равишда туман (шаҳар)нинг суғориладиган ёки суғорилмайдиган ерларининг ўртача норматив қийматидан келиб чиқиб аниқланади”.

**31.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкни ўзгартириш ва уни Халқаро молия корпорацияси иштирокида кейинчалик хусусийлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 523-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошисидаги “2022” рақами “2023” рақами билан алмаштирилсин.

**32.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси тўғрисидаги низомда 90<sup>10</sup>-банддаги “(унинг барча лойиҳалари бўйича)” сўзлари “(инновацион, амалий ва фундаментал лойиҳалар бўйича)” сўзлари билан алмаштирилсин.

**33.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 октябрдаги “Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида”ги 602-сон қарорида:

а) 1-иловада:

3-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3-боб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

бешинчи – еттинчи хатбошилар тегишинча учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

3 ва 4-боблар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**34.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июлдаги 434-сон қарори билан тасдиқланган Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларида улар томонидан етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандида:

а) иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“паррандачилик хўжаликларида — ўз хўжаликларида етиштирилиб, сотилган парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун 2023 йил 1



январдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар 1 250 сўм (бунда субсидия қўшилган қиймат солиғидан вақтинча озод қилиш бўйича имтиёз амалда бўлган давр учун ҳам тўланади)”;

б) учинчи хатбошидаги “2022 йил”, “4 000 сўм” ва “400 сўм” сўзлари тегишинча “2023 йил”, “2 000 сўм” ва “200 сўм” сўзлари билан алмаштирилсин.

**35.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 октябрдаги “Ҳудудларда жамоат транспорти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 630-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошидаги “ҳар ой” сўзлари “маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорак” сўзлари билан алмаштирилсин.

**36.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 71-сон қарорига 6-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Вазирлик ва идоралар фойдаланишидаги ер участкалари ҳамда деҳқон хўжаликларида ер тузиш, геодезия ва хатлов ишлари, кадастр паспортларини тайёрлаш ва ерга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун 2022 йилда ажратиладиган маблағлар**

### **ҲИСОБ-КИТОБИ**

млн сўм

T/p	Бюджет маблағларини тақсимловчи (олувчи) ердан фойдаланувчилар	Ишлар бажариладиган ер турлари	2022 йил учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан	Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан
1.	Сув хўжалиги вазирлиги	Сув фонди ерлари	10 547,0	
2.	Мудофаа вазирлиги	Мудофаа мақсадларига мўлжалланган ерлар	1 048,8	
3.	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси	Ўрмон фонди ерлари	9 351,9	3 349,3
4.	Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Давлат қўриқхоналари, давлат биосфера резерватлари ва бошқа муассасалар ерлари		129,3
5.	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи бюджет ташкилотлари	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	1 818,1	

6.	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ерлари	23 691,1	
7.	Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги	Моддий маданий мерос объектлари ерлари	4 738,2	3 938,6
8.	Туман (шаҳар) ҳокимликларининг ободонлаштириш бўлинмалари	Ички йўллар, ободонлаштириш ерлари	28 259,5	
9.	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	Захира тоифасидаги ерлар	2 088,9	
10.	Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги	Деҳқон хўжаликлари ерлари	10 394,9	
<b>Жами</b>			<b>91 938,5</b>	<b>7 417,1</b>

**37.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги “Молия вазирлиги ҳузурида Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш ҳамда бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 129-сон қарорининг 5-бандида:

а) “а” кичик банднинг биринчи хатбошисидаги “1 июндан” сўзлари “1 сентябрдан” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) “в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб ДХШ ташкилотларига субсидиялар ва компенсациялар миқдорлари фақат шахсни биометрик идентификация қилиш технологиялари орқали йиғилган электрон маълумотлар асосида НМТТБАТда ҳисобланади ва 2022 йил 1 октябрдан бошлаб шакллантирилган электрон буюртманом ва ҳисоботлар асосида тўланади.

Бунда, 2022 йил якунига қадар субсидиялар ва компенсациялар миқдорлари шакллантирилган электрон буюртманом ва ҳисоботлар асосида тўланиши Вазирлар Маҳкамаси билан келишилгандан сўнг амалга оширилади”.

**38.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 апрелдаги 206-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан капитал қўйилмаларни молиялаштириш тартиби тўғрисида низомнинг 37-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва лойиҳа-қидирув ишларининг манзилли рўйхатлари тасдиқлангандан сўнг молия органлари томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида ҳар бир объект бўйича алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағи очилади.

Тасдиқланган манзилли рўйхатларга асосан объектларнинг харажатлар сметаси буюртмачилар томонидан тузилади ва тасдиқланади.



Бунда:

2023 йил 1 июлдан бошлаб буюртмачилар томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимлари орқали ҳар бир объект бўйича тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларига харажатлар сметаси ва унга ўзгартириш (қўшимча)лар киритилади;

буюртмачиларга очилган ғазна ҳисобварағида (қайта тақсимланадиган) назарда тутилган маблағлар манзилли рўйхатларга асосан тасдиқланган ҳар бир объектнинг харажатлар сметасидан келиб чиқиб, буюртмачилар томонидан мустақил равишда қайта тақсимланади”.

**39.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 майдаги 243-сон “2022 йилда кутилаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларини сув билан ишончли таъминлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида:

а) 7-бандда:

биринчи хатбошидаги “300” рақами “200” рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “200” рақами “100” рақами билан алмаштирилсин;

б) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 10 майдаги 243-сон қарорига  
3-илова

2022 йилда амалга ошириладиган ирригация тизимлари ва улардаги гидротехника иншоотларини, насос агрегатлари ва сўғориш қудуқларини таъмирлаш-тиклаш ва қуриш ишлари

РЕЖАСИ

Т/р	Худудлар номи	Жами ажратил адиган маблағ	шу жумладан:															
			ирригация объектларида дастлабки таъмирлаш ишларига талаб этиладиган маблағ	шундан:						насос станциялари энергетика бошқармалари томонидан амалга ошириладиган ишларига талаб этиладиган маблағ	шундан:							
				сўғориш тармоқларини тозалаш харажатлари		гидротехник иншоотларни таъмирлаш		сўғориш тармоқларини бетонлаштириш			насос агрегатлари сотиб олиш		насос агрегатларини таъмирлаш		насос станцияларининг босимли қувурларини таъмирлаш		Сўғориш қудуқларини қуриш	
				узунлиги, км	талаб этиладиган маблағ	сони, дона	талаб этиладиган маблағ	узунлиги, км	талаб этиладиган маблағ		сони, дона	талаб этиладиган маблағ	сони, дона	талаб этиладиган маблағ	узунлиги, км	талаб этиладиган маблағ	сони, дона	талаб этиладиган маблағ, млн сўм*
1	Қорақалпоғистон Республикаси	20 590	11 070	436	8 231	150	2 839			9 520	323	7 410	188	1 873	2,4	237		
2	Андижон	22 383	1 258	160	660	132	598			21 125	123	8 125	75	2 000	3,6	2 000	40	9 000
3	Бухоро	19 955	5 372	72	2 345	122	3 027			14 583	250	6 783					78	7 800
4	Жиззах	16 344	6 411	252	3 165	280	3 246			9 933	67	5 754	44	994			14	3 185
5	Қашқадарё	22 150	7 996	334	7 025	782	971			14 153	12	720	68	353	0,03	31	58	13 050
6	Навоий	6 071	2 202	42	410	43	1 792			3 869	22	924	26	2 045			4	900
7	Наманган	14 047	6 683	511	2 315	275	4 368			7 364	29	6 321	55	193	0,45	650	2	200
8	Самарқанд	15 181	12 131	182	4 141	58	5 235	7	2 755	3 050			10	800			10	2 250
9	Сурхондарё	16 587	2 981	119	2 100	88	881			13 606	22	1 945	145	2 464	2,38	3 796	24	5 400
10	Сирдарё	14 949	7 354	170	5 097	308	2 257			7 595	14	2 800	20	1 000	0,14	1 413	10	2 382
11	Тошкент	9 131	6 725	203	5 696	64	1 029			2 406	9	600	14	456			6	1 350
12	Фарғона	14 800	8 191	211	4 856	122	3 335			6 609	49	1 709	30	2 200			12	2 700
13	Хоразм	7 812	4 433	404	3 206	96	1 227			3 379	9	455	280	2 016	1	908		
	<b>Жами</b>	<b>200 000</b>	<b>82 806</b>	<b>3 095</b>	<b>49 246</b>	<b>2 520</b>	<b>30 805</b>	<b>7</b>	<b>2 755</b>	<b>117 193</b>	<b>929</b>	<b>43 547</b>	<b>955</b>	<b>16 393</b>	<b>10</b>	<b>9 035</b>	<b>258</b>	<b>48 217</b>



**40.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарорида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошисидаги “2022 йил 1 сентябрига” ҳамда “2022–2026 йиллар” сўзлари тегишинча “2023 йил 1 мартга” ҳамда “2023–2027 йиллар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“3<sup>1</sup>. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб Молия вазирлиги ҳар йилнинг якунига кўра Ягона етказиб берувчилар реестридаги рўйхатни қайта кўриб чиқади ҳамда уни доимий тарзда янгилаб боради”.

**41.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган ўхшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган янги технологик асбоб-ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 352-сон қарорининг 1-иловасида:

а) 576-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

576	8802, 8803, 8805	Самолётлар ва уларнинг қисмлари (ускуналари) **
-----	------------------------	---

”;

б) қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“\*\*Ўзбекистон Республикасининг резидент авиакомпаниялари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ишлаб чиқарилганига 15 йилдан ошмаган самолётларга нисбатан татбиқ этилади”.

**42.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низомнинг 11-банди бешинчи хатбошисидаги чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4095-сон қарори 3-бандининг “б” кичик банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4423-сон қарорининг 2-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 июндаги “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5146-сон қарорининг 2-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5233-сон қарорининг 4-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5265-сон қарорининг 3-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон қарорига 2-илованинг 34-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги “Меҳмонхона хўжалиги фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 433-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги 1030-сон қарори 3-бандининг “д” кичик банди.



**9.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги “Спорт-таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 90-сон қарорининг 1-банди, шунингдек, унга 1-илова.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги “Республика ҳудудларида Ёшлар технопаркларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 313-сон қарорининг 7-банди.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 696-сон қарорининг 16-банди.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 июлдаги “Чорвачилик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 368-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошиси , шунингдек, унга 2-илова.

